



ТОШКЕНТДА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИ МУСУЛМОН ДИНИЙ
ИДОРАЛАРИ РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ
ЙИЎИЛИШИ БОШЛАНДИ

 Бугун, 25 ноябрь куни пойтахтимизда Туркий давлатлар ташкилоти мусулмон диний идоралари раҳбарлари кенгашининг тўртинчи йиғилиши бошланди.

 Мазкур учрашувда жаҳонда долзарб бўлиб турган бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, экстремизм, ақидапарастлик ва мутаассиблик каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашиш, исломофобияга мурасасиз бўлиш каби масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, мусулмон уммати учун энг муҳим бўлган масалалар ҳамжихатликда кўриб чиқилди.

Мазкур муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли бирдамликда ҳаракат қилиш, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш экани барча муфтийлар томонидан таъкидланди.

 Дин ишлари бўйича қўмита

Ахборот хизмати

